

# ХАЛҚ СЎЗУ

ЎЗБЕКИСТОН  
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,  
ЖУМОД АЛ-ОХИРА, 29-КУН.  
ШАМСИЙ,  
1370 ЙИЛ,  
ЖАДИЙ, 18-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 5 январь, ЯКШАНБА, 4-СОН • 255 •

НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЯН,  
СОТУВДА 25 ТИЯН.

1992 йил 4 январь, шанба Соат 10.00

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

### МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

#### АХБОРОТ

4 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси очилди. Мажлиси Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев бошқариб борди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. А. Ахмедов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум яқунлари ҳақида ахборот берди.

Сўнгра И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришиш тантанали маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар экан, Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Конституцияга қатъий риоя этишга, зиммасига юкланган вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қилди.

И. А. Каримов Олий Кенгашда дастурий нутқ сўзлади.

Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Орипов, халқ депутатлари С. Муҳаммаджонов, С. П. Пўлатов, А. П. Хлебущкина, В. Н. Сегедин, М. Қанонов республика Президенти умумхалқ томонидан сайлангани билан унч табриқладилар. Тантаналарда қатнашши учун атайлаб келган Россия Федерацияси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Ю. Ф. Яров, Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси М. Ш. Шеримкулов, Тожикистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари Х. Саидмуродов, Қирғизистоннинг Новақ

райони вакили М. Имомов Президентни самимий табриқладилар.

Олий Кенгаш Президент И. А. Каримовнинг дастурий нутқи хусусида қарор қабул қилди.

Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев А. И. Фозилбековни Тошкентнинг биринчи ҳокими этиб сайлангани муносабати билан депутатлар номидан табриқлади, сайлов референдумга тайёргарлик кўриши ва ўтказишни ташкил этишда қатнашган барча кишиларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Мандат комиссиясининг раиси Ш. М. Мирзиёев бўшаб қолган депутат ўрнига Гафур Фулом номли 234-округдан сайланган халқ депутати Т. М. Каримовнинг ваколатлари ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим ва протокол ҳақида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисидаги шартнома ҳамда иқтисодий соҳасида уларнинг ўртасида тузилган битим тўғрисида маъруза қилди.

Олий Кенгаш бу ҳужжатни тасдиқлади. Республика парламенти Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларус Республикаси, Қозғоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Украина давлат мустақиллигини тап олди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини таинган мамлакатларнинг давлат бошқилари ва парламентларига Олий Кенгаш мурожаатномасини қабул қилдилар.

Сессияда республика Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Қабул қилинган қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти лавозими тугатилди ва Бош вазир лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқи берилди. Республика маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Иқтисодий ислоҳот, бюджет сисёати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Хўжаевнинг маърузаси юзасидан Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил биринчи чораги февралда бюджетни тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Сессияда Олий Кенгашнинг «Ўзбекистон Республикасидан СССР Олий Кенгаши палаталари таркибига вакил қилиб юборилган СССР халқ депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари номзодлари тўғрисида»ги қарори бекор қилинди ва Ўзбекистон Республикасидан сайланган СССР халқ депутатлари ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу билан Олий Кенгаш ялпи мажлисларида 16 январьга танаффус эълон қилинди. Республика парламенти ўзининг комитетлари ва комиссиялари давом эттиради.

#### Ислом Абдуғаниевич

#### КАРИМОВ

### ҚАСАМЁДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар эканман, республикамиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамта юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қиламан.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ РЕФЕРЕНДУМ ЯҚУНЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:  
1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумда овоз бериш натижаларига доир марказий сайлов комиссиясининг маърузаси ва баёнлар тасдиқлансин.  
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 38-моддасига мувофиқ ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов 1991 йил 31 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев.  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 4 январь.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВNING ДАСТУРИЙ НУТҚИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг дастурий нутқини тинглаб ва муҳокама этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини изчил мустақкамлаб бориш йўлида жорий йилда ва келгуси даврда асосий муаммоларни ҳал этишнинг муҳим йўналишлари кўрсатиб берилган дастурий нутқидаги қондалар асосан маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши меҳнат жамоаларини, республиканинг бутун аҳолисини, миллати, ижтимоий аҳволи, динга муносабатидан қатъий назар Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ҳар бир кишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг баён этган дастурийн рўёбга чиқариш учун куч-ғайратларни бирлаштиришга, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни бундан бўён ҳам барқарорлаштиришга, Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустақкамлашга ўзларининг ҳиссаларини қўшишга даъват этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев.  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 4 январь.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

Азиз дўстлар, биродарлар! Авваламбор, Сиз азналарга, Сизлар орқали бутун халқимизга менга билдирган ишончингиз учун самимий раҳматлар айтмаман.

Мана, 1992 йилга катта ишонч, умид билан қадам қўйдик. Ана шу умид ва ишончининг замини нима? Бу саволга жавоб бериш учун босиб ўтилган йўлга, кечаги кунимизга назар солиш керак. Айниқса, 1991 йилдаги силжишлар, тарихий, унутилмас воқеалар замирида Олий Кенгаш билан биргаликда иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий соҳаларда қилган ишнинг эслатиб ўтмоқчиман.

Шу жумладан айрим ишларимиз бор.

**Биринчи.** Маънавий ҳаётимизда уйғошиш юз берди. Тарихий тикладик. Она тилимизни англадик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, вазатикромни, ҳурмати, ўз жойига қўйилди.

**Иккинчи.** Сиёсий йўлда бурилиш бўлди. Неча йиллик орау-умидларимиз рўёбга чиқди. Мана шу ерда сизлар билан Мустақиллик декларациясини қабул қилдик. Кейин Мустақиллик қонунини эълон этдик. Ушанда халқимизнинг хоҳиш-иродаси ифода қилинган.

Удумларимиз, кадрларимизга қайтдик. Юртимизга Наврўз кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик.

Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги тушунмовчилик, қарама-қаршилик аниқ йўқолди. Бунинг ўрнига ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка ўтдик.

Ошкоралик, демократия йўлида биринчи, лекин дадил қадамлар қўйдик.

Бир сўз билан айтганда, ўзалигимизни англадик. Аниқроқ қилиб айтсам, ўзалигимизга қайтдик. Халқимизда миллий гурур учун белни боғлаб, дўшпини бостириб юриш учун замин йратдик.

**Иккинчи.** Сиёсий йўлда бурилиш бўлди. Неча йиллик орау-умидларимиз рўёбга чиқди. Мана шу ерда сизлар билан Мустақиллик декларациясини қабул қилдик. Кейин Мустақиллик қонунини эълон этдик. Ушанда халқимизнинг хоҳиш-иродаси ифода қилинган.

29 декабрда ўтказилган референдум исботлаб берди.

Мустақиллик бизга нима беришини билардик. Ўз таъдиримиз, фарандларимиз келажакнинг ўзини хал эътиш имконига эга бўлди. Ўз еримиз, бойликларимизга соҳиблик қила бошладик. Қисқа вақт ичида мустақиллигининг неъматларини татиб кўрдик.

Мустақиллик тўғрисида дунёга, жаҳонга чиқдик. Қарийб юз йилдан бери ётиб қўйилган чегаралар очилди, ватандошларимиз билан юз кўришдик.

Қисқа қилиб айтганда, жаҳон жамоаси Ўзбекистонини, бизнинг ватанимизни кучоқ очиб қабул қилди.

Дунё харитасида энди катта ҳарфлар билан «ЎЗБЕКИСТОН» деб ёзиб қўйилган бўлди.

Хозиргача дуненинг ўттиз мамлакати Ўзбекистон Республикасини таниди, тан олди. Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Япония, Вуюк Британия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Хиндистон, Хитой сингари йирик давлатлар ана шулар жумласидандир. Бу ишонч руҳимизни кутарди, келажакка йўлимизни очиб берди.

Собиқ иттифоқ доирасидаги мустақил республикалар билан ҳам қайта қўриш даврида узилган ришталарни боғладик. Ишчи муносабатлар ўрнатдик. Россия, Украина, Беларус ва бошқа жумҳуриятлар билан дўстона алоқаларини мустақкамладик.

Ўрта Осиё Республикалари ва Қозғоғистон — қондош-қариндош қўшнларимиз билан янада яқинроқ бўлдик.

Бугун шуни қомил-ишонч билан айтишим мумкинки, мустақил давлатлар давридада Ўзбекистон ўзининг ўрнини ағаллади. Ўзбекистон тенглар аро тенг бўлди! Ана шунинг ўзи ҳам умид юлдузидир.

(Давоми 2-бетда).



# ИШОНЧ ЮКСАК, МАСЪУЛИЯТ ЗАЛВОРЛИ, ВАЗИФАЛАР БЕҲАД

## ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ М. ШЕРИМҚУЛОВ НУТҚИ



Хурматли Ўзбекистон Олий Кенгаши сессияси қатнашчилари, халқ депутатлари! Хурматли Ислоом Абдуғаниевич!

чи умумхалқ овоз бериш йўли билан сайланган Президентини қўллашга рухсат бергайсизлар.

Хурматли Ўзбек туғишганлар! Ўзбекистонда бир оғир фарзанди. Сизлар билан тилимиз бир, дилимиз бир, тақдиримиз бир, тарихимиз бир.

## ТОШКЕНТДАГИ 22-БОЛАЛАР УИНИНГ ДИРЕКТОРИ депутат А. П. ХЛЕБУШКИНА НУТҚИ



Хурматли депутат ўртоқлар! Аввало сизларни Янги йил билан табриклашга, ҳамма-гизга меҳнатда улкан ютуқ-

лар тилашга рухсат этгайсизлар.

хуррамлик, эзгу умидлар билан Ислоом Каримов учун овоз бергандилар.

Қадрли Ислоом Абдуғаниевич, Сизни яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

## ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАИСИНИНГ УРИНБОСАРИ Х. САИДМУРОДОВ НУТҚИ



Азиз дўстлар!

Кўп хурматли ва қимматли Ислоом Абдуғаниевич Каримовни худди у каби умумхалқ сайловда Тожикистон Республикаси Президентлигига сайланган Раҳмон Назиевич Назиев, шунингдек Тожикистон Олий Кенгаши раҳбарлари, Вазирлар маҳкамаси ҳайъати номидан муборакбод этиш, унга бардам саломатлик, гоҳат қийин ва мураккаб фаолиятда муваффақиятлар тилаш шарафига муяссар бўлганлигиндан маннунман.

зар ташланг: кўз ўнгимизда ажойиб манзара намоён бўлади. Қўёли Ўзбекистоннинг бағри кенг, қалби очик. Бу ерда бир ёқадан бош чиқариб, жиддий ишларга киришамиз. Мен бунга аминман.

Қадрли Ислоом Абдуғаниевич! Мен рус тилида сўзлашадиган бутун аҳоли номидан мурожаат қилиб, бизнинг дўстлигимиз бузилмасдир, кўп йиллар ва асрлар давомида мустақиллик бораверида, демократия, Сизни юксак лавозим — Президентликка сайланганингиз билан яна бир бор табриклайман.

## ОЛМАЛИҚ ҚОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ депутат В. Н. СИГЕДИН НУТҚИ



Хурматли Ислоом Абдуғаниевич!

Депутат ўртоқлар! Биз барчамиз сайловнинг яхши натижалари билан тугашга катта умид билан қараган эдик, албатта. Президент тарафдорларининг ҳаммасини мана шу ҳис-туғи ёрлаштириш тўғрисида қолди — сайлов ажойиб ғалаба билан аяқланди. Мен шахтёрлар, металлургия, қурувчилар ва монтажчилар номидан Ўзбекистонни озод, мустақил бўлганлиги билан табриклайман. Республиканинг халқ томонидан яқдид

Республикаси Президентини юксак лавозимда улкан ютуқларга эришди, деб умид қиламиз.

Кўпгина хоржий давлатлар қардош Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олганликларини шахсан мен, менин Тожикистондаги, Душанбадаги ўртоқларим айтиши билан, бу қувончи воқеа бўлиб, шу билан бирга олдимизга улкан вазифалар қўяди, зиммамизга жиддий масъулият қўлади.

## ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОВҚАТ РАЙОНИ ВАКИЛЛАРИ НОМИДАН М. ИМОМОВ ТАБРИГИ



Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!

Хурматли депутат ўртоқлар! Жаноб Ислоом Абдуғаниевич! Қирғизистондаги ўзбек ва қирғиз миллиятлари номидан Ислоом Каримовни мустақил Ўзбекистон давлатининг биринчи Президенти этиб сайлангани муносибати билан чин юракдан табриклайман. Унинг журадли, кўркам, халқларар, одамлар дилларини тушунадиган, уларнинг

чиққан ҳолда сизга, қадрли Ислоом Абдуғаниевич, сикат-саломатлик, улкан муваффақиятлар, бутун ўзбек халқига равнақу ривож тилайман.

Сўзимнинг охирида ўз номимдан айтмоқчиман: мен илмий ходимман. Узоқ йиллар давомида Тожикистон Фанлар академиясининг вице-президенти бўлганман. Урта Осиё республикаларининг иқтисодий зўрабери орасида жуда кўп дўстларим бор.

## УЗБЕКИСТОН КИНОЯРАТУВЧИЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ депутат М. ҚАЮМОВ НУТҚИ



Хурматли Ислоом Абдуғаниевич!

Мухтарам депутат ўртоқлар! Бугун шу ерда ўтирган депутатлар, Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар учун бахтли кундир. Ислоом Каримовнинг марофатини ҳисобланади. Шу сабабли ўзбеклар, республикамизда яшайдиган ҳамма халқлар уни севадилар, ҳурмат қиладилар ва унга ишондилар. Биз Ислоом Каримов адолатли раҳбар сифатида жамиятимиз олдида турган мураккаб, оғир, масъулиятли вазифаларни одилона ҳал этди, иқтисодий тангликдан чиқиб йўлларини сафдошлар билан биргаликда албатта топади деб ишонамиз, унга бардам саломатлик, бахт-саодат ва омад тилаймиз!

мин тутган ҳолда ишчи жамоаларида учрашувлар ўтказишга қарор берди. Ана шу дақиқаларда Президентни қўллаб-қувватлашнинг энг яхши йўли энг амалий йиллар қилиш билан боғлиқ эканлигини шахсий тошпиринига кўра биз яхши тушунардиқ. Унинг республикада иккинчи валюта ҳазинасини вужудга келтириш керакки, бу ҳазина республика мустақиллиги заминида муҳим ўрин тутади.

Президент ўз халқи ва ўз республикаси учун бағоят шод эканлигини кўриш биз учун мароқли манзара қараб эдик. Ўзбекистон байроғи остида икки булак олтинни кўтариб одамларга

## ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОВҚАТ РАЙОНИ ВАКИЛЛАРИ НОМИДАН М. ИМОМОВ ТАБРИГИ



Хурматли Ислоом Абдуғаниевич!

Мухтарам депутат ўртоқлар! Бугун шу ерда ўтирган депутатлар, Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар учун бахтли кундир. Ислоом Каримовнинг марофатини ҳисобланади. Шу сабабли ўзбеклар, республикамизда яшайдиган ҳамма халқлар уни севадилар, ҳурмат қиладилар ва унга ишондилар. Биз Ислоом Каримов адолатли раҳбар сифатида жамиятимиз олдида турган мураккаб, оғир, масъулиятли вазифаларни одилона ҳал этди, иқтисодий тангликдан чиқиб йўлларини сафдошлар билан биргаликда албатта топади деб ишонамиз, унга бардам саломатлик, бахт-саодат ва омад тилаймиз!

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИНИ ТУЗИШ ТУҒРИСИДАГИ БИТИМНИ ВА ПРОТОКОЛНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентини ўртоқ И. А. Каримов томонидан тақдим этилган 1991 йил 8 декабрдаги мустақил давлатлар ҳамдўстлиги туғрисидаги битим ҳамда 1991 йил 21 декабрдаги шу битимга доир протокол ратификация қилинсин.
- 2. Белгилаб қўйилсинки, бундан буён Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинганга қадар унинг ҳудудида соёқ СССР қонуналарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонуналарига зид келмайдиган қисмлари қўлланаверадилар.

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ «УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ УРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ ТУҒРИСИДА»ГИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА ҲАМДА УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ УРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ВА САВДО-СОТИҚ СОҲАСИДАГИ БИТИМНИ МАЎҚУЛЛАШ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

- 1. Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари туғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги иқтисодий ва савдо-сотик соҳасидаги битим маъқуллансин.

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ БОЗОРНИНГ ЯРИМ НАРХИДА

ГУШТНИНГ ҳафта сайин қимматлашиб бораётганини кўриб турган Хўжаанд шаҳри ироққум раҳбарлари қора қозоннинг гуштлик қайнашини таъминлаш йўллариини изламоқдалар. Яқинда ироққум вилот наслиниқ бирлашмаси қўмағида жумҳурият жанубидан 200 бошга яқин ҳисори кўй олиб келди. Бу кўйлар шаҳардаги сөрфарзанд ва ноҳор она-

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКАСИ РЕЗИДЕНТИГА

Хурматли Ислоом Абдуғаниевич! Туркистон округининг Ҳарбий Кенгаши, қўмондонлиги Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентини юксак лавозимга сайланганингиз билан табриклайди. Умумхалқ қўбил сайлов чоғида Сизнинг қўллаб-қувватланган Сиз танлаб олган республика мустақиллигини мустақамлаш, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаштиришга қараганда, йўл туғрилигининг энг яхши далилидир. Сиз ўтказаятган йўл олди мақсадга — бутун Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ошшига олиб боради, деб умид қиламиз.

Туркистон Ҳарбий округининг Ҳарбий Кенгаши, қўмондонлиги.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ, УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Қўрғонтепа районининг кўп миллатли аҳолиси дастлабки Президент сайловида яхши найфат билан қатнашди. Хурматли Ислоом Абдуғаниевич, улар Сиз учун

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКАСИ РЕЗИДЕНТИГА

Хурматли Ислоом Абдуғаниевич! Туркистон округининг Ҳарбий Кенгаши, қўмондонлиги Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентини юксак лавозимга сайланганингиз билан табриклайди. Умумхалқ қўбил сайлов чоғида Сизнинг қўллаб-қувватланган Сиз танлаб олган республика мустақиллигини мустақамлаш, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаштиришга қараганда, йўл туғрилигининг энг яхши далилидир. Сиз ўтказаятган йўл олди мақсадга — бутун Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ошшига олиб боради, деб умид қиламиз.

## САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Хурматли Ислоом Абдуғаниевич! Сизнинг ҳаракатларингиз туғайли Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди, Сиз ўтказаятган ички ва ташқи сиёсат республикамизда яшовчи барча халқларнинг манфаатларига мос келди, Сизни Ўзбекистондаги биринчи умумхалқ Президентини лавозимига сайланганингиз билан самимий табриклаймиз. Халқ турмушини яхшилашга доир муҳим масалаларни бажаришда Сизга куч ва гай раят, Сиз халққа таяниб олиб бораётган изчил бунёдкорлик ишида муваффақиятлар тилаймиз. 1992 йил республикамиз халқлари ҳаётида унутилмас ажойиб йил бў-

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКАСИ РЕЗИДЕНТИГА

Хурматли Ислоом Абдуғаниевич! Туркистон округининг Ҳарбий Кенгаши, қўмондонлиги Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентини юксак лавозимга сайланганингиз билан табриклайди. Умумхалқ қўбил сайлов чоғида Сизнинг қўллаб-қувватланган Сиз танлаб олган республика мустақиллигини мустақамлаш, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаштиришга қараганда, йўл туғрилигининг энг яхши далилидир. Сиз ўтказаятган йўл олди мақсадга — бутун Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ошшига олиб боради, деб умид қиламиз.

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКАСИ РЕЗИДЕНТИГА

Хурматли Ислоом Абдуғаниевич! Туркистон округининг Ҳарбий Кенгаши, қўмондонлиги Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентини юксак лавозимга сайланганингиз билан табриклайди. Умумхалқ қўбил сайлов чоғида Сизнинг қўллаб-қувватланган Сиз танлаб олган республика мустақиллигини мустақамлаш, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаштиришга қараганда, йўл туғрилигининг энг яхши далилидир. Сиз ўтказаятган йўл олди мақсадга — бутун Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ошшига олиб боради, деб умид қиламиз.

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТАН ОЛИНДИ

### НОРОДОМ СИАНУКНИНГ МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов номига Камбоджа раҳбари, ана шу давлат Олий Миллий Кенгашининг раиси Нородом Сианукдан мактуб келди. Мактубда бундай дейилади:

Камбоджа халқининг тошпиринига буюн, Олий Миллий Кенгаш номидан ва шахсан ўз номидан Сизга ушбу мактубни йўллаб, тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасини ҳам аъзо бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилганлиги билан самимий табриклаш шарафига муяссарман.

БМТ аъзоси бўлган мустақил ва лғона Камбоджа номидан мен бошчилик қиладиган Камбоджа Олий Миллий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг истиқло-

либ қолсин. Сизга мустақам сиёсат-саломатлик тилаймиз.

Жизабғи вилотидидаги Қирғиз маданияти марказининг раиси А. КАРИМОВ, марказ оқоқоллар кенгашининг раиси Х. ШУКУРОВ.

Устоз Абдулла Қодирий номини ким билмайдиган дейсиз? Унинг романиларини ўқимаган киши ҳам бормикан. Бирок фикримизча, адабнинг шахси, бадиий-фалсафий қарашлари унинг ҳаёти ва маколаларида кўпроқ акс этган. Бу залворли ижод ҳукмрон адабий-мафруравий андозаларни беъаҳад лойиқ гулдаста бўлмоқда ва шу кунга қадар оғир осмондан бўлиб чоп этилди, баъзилари эса умуман мазий жамғармасида қилиб кетди.

Билимлик тил масаласини истисно қилганда, журналик жанрлик мавзадан бериб, муназаҳадир.

Бўлимича мумкин туғилга деган. Буларга қарши Навоий: «Тотор учун Чиготой тилини онгламоқ оғир келгай, деб сўзлай бошлагон экан, мизро Бобир: «Ашъорнинг, исми, фазлини машхури оғоқ турур. Орамгоҳон иш учун қизишувинг отинга қўйишай турур», деб Навоийни тўхтаётган. Мана шу Мирзиёнинг қон қизишуларини истисно қилганда, «Ичкилоб» мустақиллик алаҳи сўзлаб ўқумоқдадир. Об-лушқисиндоғи масжид сурағига ҳишоб бўлса керак, сўнгра кунларда «Ичкилоб» домлар кўлида ҳам кўриниб қолди. Кейинги сон «Ичкилоб»нинг идоратдан жаъобдан қисмида: «Ичкилобнинг мизга тошпирини қўйсизга ҳақининг тарқайи ва саломатига мувофиқ бир жоидан бошқаб олиб чиқамиз, деб берилган вазда билан С. А. йнни афандининг ҳам «Ичкилоб» бўлган иқтисо илгариги ҳолига қайтган. Кимгадир: «Ичкилобнинг эмас, орқонини ҳам Ичкилобга тошпирини» деган.

Езувчининг 20-йиллардаги ҳажвнети ўқувчинин баҳсга, мунозараларга чорайди. Уша маҳал бу хилдаги маколалар Туркистон эътилоли ўртасида турлича акс эди бериши, мунозара кайфиятини йўғитиши табиий эди. Хусусан, «Матбуот» деб номланган кичик ҳангома Қодирий ва Назир Тўрақулов мунозарасига туртки беради. Бу хангома «Ичкилоб»нинг ўша пайтдаги номини рўномасининг 1922 йил 18 июнь сонидан чоп этилган бўлиб, «Ичкилоб» журналин кўп икки йилдан эди. Бунга жаъобдан журнал бош муҳаррири Назир Тўрақулов шу рўноманин 24

июнь сонида «Жасорат» номили маккола билан чиқди. Қодирий ҳам бун келмайд, албатта. Рўноманин 1 июль сонида унинг «Жасорат айб эмас!» деган маколаси босилди. Дарвоқе, бу маколанин энг мақбул деб топилган бош қисми Қодирийнинг кичик эсарларида берилган.

Хуллас, мундоғига кўчаданган бўлсак, Қодирийнинг катта баҳсга сабаб бўлган ўша хангомасини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз. Марҳамат, Сиз ҳам баҳсга киришинг!

Иккинчи сонигача ўн беш кунда бир, уннинчи сонидан бошлаб айда бир, туртинчи нумардан эътиборан икки ойда бир, бешинчи сонини, худой билесун, йилда бир чиқатурган «Ичкилоб» мақалаларини мубахалласининг 4 нчи адоқнаур рўномаси босмоқданан аранг кутулиб чиқиб қўлимизга

тушди. Журнонининг бу сонин бошқаларига қоронгода мундорикага бой, маълумотга тўқус, сўзга устодир. Журнолиннинг эътиборини ҳам қўрама бўлиб, уч қозоқ, тўрт ўрус, етти тотор, бир тожиқ, уч ўзбеклардан иборатдир.

«Ичкилоб» журналиннинг ер юзига оғанинлик туҳминини сочмоғи хизмат этувчи бир мажозлаъ мубожаъла жанглигида шубҳа йўқ. Пушталонларининг ҳаёти беришларига қоронгода, «Навхал» билан «Аторуд» юлдазларида ҳам Ичкилобнинг сўюб ўқур эканлар. «Ичкилоб» эса «Ичкилоб»нинг 1-2-сонларини орқиб бир муҳаббат билан ўқулган. Лекин 3 нчи сонидан бошлаб орада бир онглошиловчилик чиққан ва 4 нчи адоқнаур рўномаси босмоқданан ҳам кучайиб, «Ичкилоб» ўқу-

чиларини иккига бўлинуларига сабаб бўлган. «Ичкилоб» юлдазидан олгининг кейинги бича хабарига қоронгода, онглошиловчилик кичкингина бир нуқтада экан. Шундайлик, (ер юзидан «Ичкилоб» ўқиниларига ҳам маълум бўлса керак) журналиннинг 2 нчи сонида «Осори бинд» лавҳаси остида марҳум қозоқ шоирини Обойдан бир намуна эътилоз эди, мана ушбу «Ичкилоб» Мирзиёнинг Обой ва унинг теварағида бўлган қозоқ бошларининг руҳини нақадар юқори кўтарган бўлса, Навоий ва навоийга ўзбекиларни шу янгли руҳларини тушурамка сабаб бўлган. Чунки, Навоий биринчи галда намуна учун ўз «Осори бинд»нинг Ичкилобда кўнглимоғини куткан экан. Хабарларига қоронгода, Навоий 3-сон «Ичкилоб»даги «Осори бинд»дан бир оз ранжиган бўлса-да, лекин 4 нчи сондан умидланган, «Тўртинчида мандан бир нарсга бўлур», деб

кутиб тургани ўстига лип этиб тотор шоирини Тўкойнинг «Найғи тоғни босилиб, Навоий ва навоийларга ҳам ёқонроқ тасвир эткан, ривоятларга қоронгода, Навоий ва унинг теварағидилар «Ичкилоб»нинг «Ичкилоб»нинг тўртинчида шак-шубҳага тушқанлар ва ҳатто сабоғини қалла билан... ўзбекча журналол деб эътиб ҳам қўйилган. Масала бунинг билангина қолмай, Мирзиёнинг «Удаво ва шоирлар йегинида Навоий Обой билан Тўкойга учуруқ қилиб: «Зурки шоирлар...» деб қўйган. Қизиқонлик Обой бунга қарши сукут этишга чиндай олмади: «Чиндавай чикорган плитакач» деган. Тўқой ҳам жим тура олмоган: «Сен бу норга бек оцуланма, Навоий ҳазрат, шўринини тотор онгломитурган бир тилда бек ямси, бек чўвор эъосинг. Ул энди шулай

Мулхисингиз: ЖУЛҚУНБОИ, НАВРО МУРТАЗО ҚАРШИ, БОЕВ ТАЙРАГАН.

РАҲМДИЛЛИК

САНОБАР

ҲАЕТ ҳар бир одамни вақти-вақти билан турли синовларда синаб туради. Кимдир аризмас қийинчиликлар олдига доғдириб ўз лиғини йўқотиб қўяди, яна кимдир ўзликни оғир машинақатларга бардош бериб, қисматга қасдама-қасд яшайди. Шундайларнинг иродасига, саор-бардошига тан бермай йлоқ йўқ.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлимининг масъул котиби, шоир ва ёзувчи Йўлдош Сулаймоннинг хонасида суҳбатлашиб ўтирдик. Олтинчи ёшларнинг истараси иссиқ ишти ёқиб кетди. Утирғаларнинг ҳаммаси билан куқ сурашди. Йўлдош ака мехмонни менга таништирди. Вилоят ижтимоий қўмитети меҳнат ва икромий таъминот бўлимининг мудири Усмонов Бегматов экан. Илгари юқори лавозимларда ишлаган, кўпни кўрган одам, леда.

Хол-аҳвол сурашганимиздан кейин Усмонов ака олтириқлик Санобар Тошхўжаева деган қиз ҳақида гапириб қолди. — Узоқ йиллардан буён тўшақда ётар экан, шеър ёзаркан, — деди Усмонов ака. — Район газетаси биринчи кўришда шеърларини босибди. Шунга сизнинг олдинги шеърларингиз ўқиб кўрсангиз, иложи бўлса вилоят рўзномасига чиқаришга кўмаклашсангиз, дейман-да. — Сунгра яна кўчма қилди. — Аравача керак экан, биз иложи борича тезроқ ёрдам кўрсатаймиз.

Усмонов акадан Санобарнинг мазалини билиб олдим. Эртасига Янгичўрмон қишлоғининг Галаба кўчасидаги 12-уйин дарҳол топдик. Олдинги қишлоқ ховлиси, Дарвозадан киришимиз билан рўпаралати сурида ёстиқча суяб ўтирган қизни кўриб юрагим ширғиллаб кетди: «Санобар шу бўлса керак». Алашмабман. Сунгра чиқди. Санобарнинг отаси Нишонбой ака, онаси Шарофат опа хурсандликдан бизни қаерга ўтказишни билмасди. У ёқ-бу ёқдан гаплашди, Санобардан ҳол-аҳвол суради. Илтисомишмега кўра Санобарнинг шеърларидан келтиришди. Уқидим. Уқийман тақдирини, ҳаётнинг бешафқатлиги ҳусусида ўйга чўмаман. Қизнинг айбон, гуноҳи нима экани, бу азорларга дучор бўлиб ўтирибди. Ростини, унинг — Одида Нишонбой акадан Санобар қачон, қандай касалга йўлқичи ҳақида сурай олмадим. Кейин Нишонбой акани бир баҳона билан четга имладим, анча гаплашдик.

— Санобар — тўғриқ фарзандимиз. Саккиз ойли...

ҲАЕТ гапирган, ўн бир ойлигида юрган эди. Жуда тийран, эҳлини қиз эди. — Нишонбой ака гапиряптию кўзига гилт-гилт ёш келади, бироқ ўзини тутайди. — Олти ёшдан ўтганида тўсатдан касал бўлиб қолди. Иссиғи кўтарилди. Духтирга кўрсатдик, улар айтган дори-дармонни қилдик. Вақти-соати келиб иссиғи тушди, лекин... Ота жим қолди. Мен ҳам гап қўшолмадим. Унинг аҳволини тасаввур қилиш, тушуниш мумкин эди. Салдан кейин ўзини қўлга олиб давом этди. — Шундан кейин ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолди. Қўллари оғир дара асоратидан қотиб қолган экан. Қизимнинг уша пайтада ҳолати сира кўз ўнгимдан кетмайдиган. Шунгайм ўн етти йил бўлди. —

Ўн етти йил! Бу — айтингга осон. Ўн етти йилдирки, Санобар ўрнидан туролмайди. Қўллари ёзилмайдиган. Даҳшат!

Ушанда у дугоналари билан мактабга боришга ҳозирлик кўриб юранди. Сентябрь келса, биринчи синфга борарди. Афсуски...

Санобар бетобликнинг дастлабки йилларида бир умр тўшаққа миқлианиб қолганини тасаввур ҳам қиламаган. Нанкиқ унинг ўзи, ота-онаси ҳам, буниси Соттинхон ҳола ҳам... Шу боис гоҳ Фарғона, гоҳ Тошкентдаги турли дўхтирларга олиб бориб кўрсатинди. Санобар ойлаб шифохоналарда этди. Лекин ҳаммаси самарасиз кетди, бирон-бир наф кўрмади.

Ота-она — ота-она-да, наф кўрмади деб қараб ўтирарди. Қолгани борди, мулламад одам қаерда табиб бордининг айтишса ўша ёққа чопмайди. Нишонбой ака билан Шарофат опа ҳам шундай қилди. Улар Саъдуллаев деган экстра-сенянинг довуруғини ашиштиди, қидириб топилди. У Санобарга қирқ бир марта сеанс берди.

— У кўргандан кейин бир оз фойда қилгандай туюлди, — дейди Нишонбой ака. — Онаси бечора елкасига кўтариб олиб борди унга. Она бечора қизини опичлаб не-не жойларга бормади...

Санобар юрولмай қолганидан бир заиса, ўқини-ёшани билдирмаганидан яна бир заисларди. Буниси Соттинхон ҳола айтиб берган эртақлар, «ойнаи жаҳон»ни томоша қилишү радиони тинглаш етармиди? Бор-йўри тўрт синф саводи бўл-

ган Соттинхон ҳола ёзиш-ўқини билганича ўргатди неварасига. Кейин онаси Шарофат опа ёрдам берди. Она шўрлик қиз билан мунозаам шуғулланишга вақт қайда дейсиз, эртдан кечгача даланинг иши, рўзгор ташвишлари. Санобарнинг укалари... Барибир вақт, имкон топди. Ўқини-ёшани Санобарга бир мунча таскин берди, китобларни ўқийдиганга тушди. Қалбда қандайдир туйғулар жўш урди. Шу тарихда шеър ёза бошлади. Йиллар ўтган сари дафтариинг оппоқ саҳифалари тўлаверди.

Санобарнинг шеърларини ўқисангиз, унда кўтаринки руҳ, одамларни бахтли, инсоф-адолатли қўриш ораси барқ уриб турганидан қувонасиз. Муаллифини танимаган одам бу шеърларни жисмонан ногирон қиз ёганига ишонмайди.

Оппоқ сўтдек кўпирмоқда тонг, Мен маҳдун қуйлай, У эса Одамларга улашсин зийнат, Тонгга қараб тўймас кўйларим, Қувончларга тўлар қўрагим, Тонг — табиат кулсини каби, Одамлар ҳам кулсини тўлагим.

— Шеърнинг сир-синоати ҳақида бирондан маслаҳат олганимда тузуқ бўларди, — дейди Санобар. — Ёзганларим ўзимнинг уришим... Шеър ҳақида узоқ-узоқ суҳбатлашим келди. Лекин ким билан.

Ҳа. Санобарнинг орзулари кўп. Бироқ унинг дилига таскин берадиган, ўзи севган мавзуда у истаганча суҳбатлашадиган одамлар керак. Шу ўринда бир ўйга тугулади. Уларнинг ўйига янгинаи жой-да 3-мактас бор, шу мактаб муаллимлари, хусусан тил ва адабиёт ўқитувчилари онда-сонда бўлса-да, вақт топиб Санобардан хабар олиб турсалар, унга сабоқ берадилар, савоб бўларди. Қолаверса, Олтириқнинг шоирлари ҳам оз эмас.

Бир жойда ўтиравериш одамни эзиб ташлабди. Яқинда Фарғондан қўнғир аравача элтиб беришди... Санобарга ўхшаганларга гамхўрлик, ёрдам кўрсатиш — бурчимиз. Ёро, меҳр-шафқат туйғуларимиз, яхши ағналаримиз барбод бўлмасин.

Санобар ўзини-ўзи овутири, ота-онасига, онага ёрдам бериш учун тўғини ўргатди. Мегин иродали қиз ўз тақдирини учун курашмоқда. М. ХАЗРАТҚУЛОВ.



«ОҚКАН ДАРЕ ЯНА ОҚАДИ», дейди некиби халқимиз. Ҳа, эзилар, кейинги вақтларда диёримиз дўконларидан рўзгор элтиб ақилолри тортилиб қолганидан қўнғилгизга тушган ташлик эрта-инди ариб кеттисиз. Бу гўборин тарқатиб юборишга қодир шамоларнинг экинлари уйғонди бугун.

Республикамизнинг аввал «қўл-оёғи» болганлари саноат корхоналари энди эмин-эркин нафас олиб, ўз номига муносиб ишларга чоғланаётди. Ана шундай ишлаб чиқарш масканлардан бири — Самарқанд ўй музлаткичлари заводидир. Унинг майдон ва миконлари бугун «Сино» деб номланган ижара корхонаси қўлида. «Сино» корхонаси аввалдан мажид жижо ва ишлаб чиқариш тегилоғияси меҳнатга дўн-вандалди. Натюжа — итулганқдан ҳам со бўлди. Бу ерда ишлаб чиқарилган — «Сино» деб аталмиш ўй музлаткич ижод бозори талаблари билан ўтказилган техник синювга дош берди.

Саратонда уйларимиз ҳавоси мўздай бўлиши учун яна нимага муҳтожмиз! Албатта вентиляторга-да! Ташвишланманг, «Сино» корхонаси бу борада ҳам Сизу бизин хушнуд этмоқчи. Узога хос янгича тузилмада яратилган вентилятор Сизнинг хоҳишингизга қараб тез ёки секин айланши, балаид ёки пастга тушиб елпичи мумкин. Қаттиққўл мутахассислар кафолат беришана, ҳатто кондиционер вази-фасини ҳам бақара олади.

СУРАТДА: Янғувчи-чилангир Фазилатхон Сафарова «Сино» корхонасининг янги вентиляторини созламоқда. Р. ҒАҒУРОВ олган сурат. (ЎзТАТ).

ҚАТРАЛАР

— Ҳалиям ораимизда ёрлик тақиб гапирадиган оқдон ва бефаҳи одамлар бор, — деди нотик. — Киришмоқчи олиб борган Янги йил совангиз шў ҳисобдан эди-да. — Ҳар нарсанинг интиҳоси бор. Қайта кўриш бу ҳаққатини яна бчо бош тасдиқлади. — Янги йилда бирор янгилик бўлармикин? — Янги-янги партиялар тузилса ажаб эмас. Ш. ЖАБРИЙ.

ХУШҲАБАРЛАР

ГИЛАМ ТУҚИЛАЯПТИ

ҚАРШИ районидagi «Коммунизм» жамоа тўқиланиннг Сарой қишлоғида Тошкент шаҳридаги тўқичлик фабрикасининг гилам тўқиш цехи иш бошлади.

Бундан бир неча мўддат муқаддам саккиз нафар қизлар Ҳива гиламчилик фабрикасида касб ўрганиб, малака ошириб қайтган эдилар. Улар янги цехнинг асосини ташкил этиб, Ҳива гиламларини тўқишмоқда.

Янги цех чеварлари ҳар ой 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаб ишлаяптилар.

РАЙОН МАРКАЗИДА ШОҲБЕКАТ

ҚАРШИ даштада ташкил топган Ульнов райони марказида ойна ва бетондан қўшқаватли шохбекат қурилади. Шохбекат буюмида 100 ўйлов-чиға мўлжалланган кўнги, дам олиш, боғали ойналар ва ҳайдовчиларнинг хордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган ўнлаб хоналар бор.

Шохбекат ишга тушиши муносабати билан тумандаги катта-кичик қишлоқларга автобуслар қатнови яхшиланади, ўнлаб шаҳарлараро автобуслар қатнови йўлга қўйилади. —

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» музбири.

ЎН МИЛЛИОН СЎМЛИК ЯНГИЛИК

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг кимё илмий тадқиқот илмгоҳи профессори Эргаш Орипов бошчилик қилган бир гуруҳ олимлар табиий минераллар, иккиламчи ресурслардан нефть маҳсулотларини тозалашда қўлланганидан сўрабларга яратилди. У ҳозир Фарғона «Оргнефти» синтез корхонасида қўлланилапти. Олимлар ва мутахассисларнинг айтишича, янгилик йилгег ўн миллион сўм даромад келтирар экан.

ЖЕНИЖУҚ ЮБИЛЕИ

АЙНИ кўнларда жумҳуриятда қирғиз халқ оқини Женижук Кўкў халқ таваллудининг 130 йиллиги нишонланмоқда. Афсуски, шу кунгача ўз халқига бой бадиий мерос қолдирган бу оқиннинг бирор бир мажмуаси йўқ экан. Яқинда Женижукнинг илк тўплами Бишкекда нашр этилди. О. МАТЖОН.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР! "УСАРФИЛЬМ" © "USARFILM" USSR, 121019, Moscow, st. Arbat, 4-8, tel. 1793172 СССР, 121019, Москва, Арбат, 4-8, тел. 1793172

ЭРКИН КИНО УЮШМАСИ «УСАРФИЛЬМ» КИНО СТУДИЯСИНING «УСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНО МАКТАБИ Бисмиллоҳирр роҳманирр роҳим!

Одамлару одамлар, ўқимадим, деманглар. Ўқинганлар доғда қолманглар!! Агар шу кунларда «Усарфильм» олий кино мактаби кинорежиссёрлик, кинооператорлик ва кинодраматургия бўлимининг аспирант-талабаси Саид Усар Бекни (...Ўзи эшитмасин...) кўча-кўйда кўриб қолсангиз, кўзингизга тўғлаб, ёнаганини тишлаб, кўнгиб кетганингиздан қалма келтириб ўтирманг. Сизни оғоҳ қилиб қўяйлик: ҳозир Саид Усар Бек «жаноби олийлар»нинг соҳлари белларига, атрофига қирғача паршета учиб юрган соқоллари тиззаларига тушган... У яқин мажнун кўбасида кўча-кўйда ўзларига аланималарни гапириб, қўбдирган қалладек тирнаиб, гоҳ хиринглаб, гоҳ хоҳолаб кўлиб юрибдилар... У кишини кўриб, «Бечора, бир «шаринг» тушиб қолди...» деб ақиниб ўтирманг... Бунинг сирини биз айтманг (сизҳор-базнҳор ўзлари эшитиб қолмасинлар, ҳудо кўрсатмасин, эшитиб қолсалар борми, ҳаммамизни ишдан ҳайлаб юборадилар...). Саид Усар Бек «жаноби олийлар» 1993 йилда «Афанди саргузаштлари» деган икки серияли сатирик кинокомедияни суратга оламан деб, ўзлари «афанди» бўлиб қолдилар... Ҳар замонада: «Умм... Мочча эшпак!! Қаа-нини маанини оппооқ ханги эшагим?!» деб инграб, даргазаб ҳам бўлиб қўйдилар... Улмаган бизнинг жонимиз... «Тентакни қочган томонига қараб қув!» деган экан дона халқимиз. Худо хайрингизни бергурлар, уйларингизга буюдй тўлгурлар, келинлар, ҳаммамиз бир-галашиб, дув-дув этиб, шу «тентакни» қочган томонига қараб қувайлик... Янги қовушларнинг бўлса, қўлларингизга олиб олдинлар, тагин тешииб кетмасин. «Усарфильм» кино студияси билан «Усарфильм» олий кино мактаби Саид Усар Бек «жаноби олийлар»ни қочган томонларига қараб қувши мақсадида (у киши Масковга қараб қочганлар... Тезроқ қувиб этиб олмакан, у ердан Амриқонинг Ҳолливуд кино студиясига қараб қочиб қолдилари хавфи бор... Яна тагин ўбек киши санъати «огир жудолик»га утраб қолмасин...!) 1993 йилда «Афанди саргузаштлари» деган икки серияли сатирик кинокомедияни суратга олиш орузида бир ўқ билан икки қўенини уриб, бирданга яқинга КОИКУРС ўтказишга жар соладилар.

БИРИНЧИСИ: Ёнғ эўр, энг қойилмақ «Афанди саргузаштлари» деган киноценарий учун.

ИККИНЧИСИ: Насриддин Афанди ролининг ижросини учун.

Бу конкурсда Насриддин Афанди деса ўзини томдан ташлаш у ёқда турсин, ҳатто парашот очилса-очилмаса ҳам ўзини тайёрадан ташлаб юборадиган, Афанди латифаларини айтиб ёки эшитиб қулгидан ичаги узиладиган, қулгини, аскияни жону дилидан севадиган афандишунос афандилар (мабодо, қўллари қичиб қолса...) ёзув машинкасида уч нухсада сценарий ёзиб Масковга «тепиб» юборишлари мумкин...

Бу конкурс афандишунос афандиларнинг ичларини 1992 йилнинг июль ойига қадар таъдирлай қиздириб, қўнғилларини қитиқлаб, қўллариини қичитиб туради...

Насриддин Афанди ролинин ижро этмоқчи бўлган афандилар эса Афанди кийимини кийиб (пўстанки қирқиб, соқол-мўйлов епиштирсалар ҳам майли) оппоқ ҳанги ашакни миниб, ҳар қиёмда суратга тушиб, Афанди латифаларини ва аскияларини магнитофон ёки видеомагнитофон лентасига ёзиб, ҳуржунинг икки қўзига солиб, ҳуржунни эса оппоқ ханги ашакнинг устига ташлаб, ашакни Масков томон «тепиб» юборсинлар...

Қулги қулдирган одамга қайтариб берилмаганидай, конкурсга юборилган Афанди латифалари ва аскиялари ёзилган магнитофон ва кинофильмлар, видеомагнитофон ёзувлари (кассеталари), фотосуратлар, видеофильмлар ҳамда киноценарийлар эгаларига қайтарилмайди ва улар конкурсга юборган асарларига даъво қилмайдилар.

Конкурс қўлбалари 1992 йилнинг август ойида овоза қилинади. «Афанди саргузаштлари» деган энг яқин кинокомедия ёганига, унинг қўн «кичичини қондирини» учун товус паридан рўкча ёғоч сўхдонин билан, тўн, белбоғ, дўппи ва «Афанди саргузаштлари»ни давомини эгалли 100.000 (юз минг) сўм пул совга қилинади.

Насриддин Афанди ролининг ижросига эса битта тирик оппоқ ҳанги эшақ эгар-жабудюғи ҳуржун билан, бир жуфт қалиш, оқ ятак, оппоқ салла дўпписи билан, пўстандан қирқиб олинган соқол-мўйлов, ҳуржуннинг ҳар қўзига эса 25.000 (йингрма беш минг) сўмдан, жаъми 50.000 (алдик минг) сўм қоғоз пул тортиқ қилинади.

Илоҳи омин, тезроқ Саид Усар Бекнинг «афандилиги»дан қутулайлик, омин, оллоҳи акбар!

- «Усарфильм» бадиий раҳбари — Ҳамидулла Ҳасанов. «Усарфильм» президенти — Анвар Саид. «Усарфильм» муҳаррири — Шавкат Раҳмон. «Усарфильм» вице-президенти — Шодир Мамаатқул. «Усарфильм» расомлари — Қаҳрамон Нуриддин, Ҳасан Ҳаням. «Усарфильм» олий кино мактабининг президенти Ҳабибулла Али. «Усарфильм» ҳомийлари: «Фора-фильм» халқаро эркин кино студияси, мамлакат эркин кино уюшмаси ва «Интеркаспий» халқаро уюшмаси, бутун дунё кино мактаблари билан ҳамкорлик қилиш С. М. Эшенштейн халқаро фонди, АҚШ, ГФР ва Венгрия мамлакатларининг IVA Халқаро «ИнтерэЙшл» компания ЛТД фирмаси.

ЮЛДУЗИНГ ТҮРТТА БЎЛСИН, БОЛАМ

ҲАЖВИЯ

Ҳой болам, мани ушлаб нима қилсан? Ариганинғ ўлгурни хом ўрган жойим бормидини, мани тутасан. Нима, ҳўв бола, сани ҳам она туқандиган. Уялмайсанми, онанг тенги одамга испиқулият дегани. Оғзин бор деб гапируваркансан-да. Икки дона кир сувон олиб чиққан одам испиқулият боп қолармикин. Шу жувонлар ўлгурни олиб чиқмас экан, йўлқичлик мажбур қилди, айланги йўлқичлик. Бу парастройка деб намбало қилиб қўйдилар. Одамларнинг бири сира икки бўлмайпти. Мағанандаги нарсани талонга берганларнинг етмагандай, энди бошпунт билан тақсимлайдиган бўлсанлар. Қани сан манга айт-чи, Уан нима қилмоқчисанлар? Шу-да, ўзларинг билмайсанлар. Ҳай отасининг боласи, Ўбихис бўлсан ўзингиз, испиқулият деб менга ёпишгани уялмадингми? Жудаям мард бўлсанг, ана, гўперативчиларга осил. Нина? Давлат томондан уларга рўхсат берилган? Ҳой, баракан топкур, рўхсат берилганидан бизнинг ҳам хабаримиз бор. Аммо халқнинг охириг иштонгача ечиб ол демаган-ку. Кўперативдан бирор нарсанаривада кетгани. Тунов кунин биттасан баькага қоппоқ авлақдан асобот соғиб ўтирган экан. Улардай ишонувчан эмасамизми, эгаси кичини келтириб мақтайверса, индамай 12 сўмга олиб ўтирибман-а. Уйга келиб, ҳарсалла билан памиладори, болринг тузалаб, илдиш ўлгуруни ёпанам дейман, қани энди ёпилса. Ҳаяил эмас, икки банкани ёпанам деб ўн учта қоппоқни бирақ қилиб ўтирибман. Қийшайиб ётган қоппоқларнинг ер билан битта бўлиб ёганини кўриб, қўзларимдан тешик шилпадан сув чиққандай ёш оқди. Уша пастари мольни кўтариб харид қилган жойга келсан, халигич нухса йўқ. Мани ушлагилар, ўшаларини туттин. Бариси бирини икки эмас, ўн икки қилдиш пайида. Мангина Ҳўлгур икки дона сувон олиб қичқимо балого қилиб ўтирибман. Совунини бир сўмдан сотган фақат манми?! Фақат ман ўлгурни кўра қолдингми, айлангил. Испиқулият дединг. Онанг тенги камирини шундай дейишга уялмадингми? Тўғри, сувон 19 тўйин. Лекин шу баҳога топа оласанми? Топиб бўлсан. Агар мен шу нархда совунини сотсам борми? Қўни-қўшни орасида Сотти мақийн жинни боп қопти, деган гапга қўламан. Ахир, мангина ўлгурда нима аёб? Ҳамма аёб одамларнинг ўзида. Ҳўп, биз совун олиб чиқдик. Бонрингки бир сўм ҳам дедик. Одамлар бор оғиз «ни мага бир сўм, ахир, давлат нархи арзон-ку» дейишмагач, Ҳўп, ана энди ўзинг айт-чи, айб кимда? Ҳа, сукут саклаб қолдинг-а. Энди, айлангил кетай, мани кўп допирос қилмагил-да, қўйвора қол. Кел, шу икки совунини ҳам санга подаркан қил қўлақолай. Ол, уялма, силар олавериб ўрганиб қолгансилар-ку. Ке, кетаринг олдилан бир дуо ҳам қилай. Омин, илоҳи елкангадиг юлдузинг тўртта бўлсин...

Баҳодир ОРНОВ.

Истеғодлар — эл орасида

Яқинда бир ўртоғим тўй қилди. Кечки базмга машҳур хонандалар ҳам келишди. Улар давранинг қаймоғи уч-тўрттадан қўшиқ айтиб кетишдию, охири-оқибат меҳмон музбонларга «деҳқон бир йингит» хизмат қилди. Бу йингитга аввалгига ҳеч ким эътибор бермади. Аксар тўйлардаги каби дўст-биродар дийдорига етишганлар суҳбатини қуюқ қилишиб, давра ари-нинг инидек бўлиб қолди. Лекин... базмдагилар бирин-кетин хонандага ажабланиб қараб бошладилар. Чунки «шеър ўқийман ўзинга ўзим» (А. Орипов сатри) деганларидай, қўшиқчи шу қадар дилдан қуйлардики, бехишёр даврага суз сепгандай сокинлик чўқди. Турган гап — ҳамма ҳофизининг кимлиги билан қизқарди. Мазлум бўлишча, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа районидан бўлиб, исми шарифи Тўрабек Қодиров экан.

Узгаларнинг қўшигини айтиб, тўй-базмларда ялло қилиб юрганларни хушламаймиз. Лекин Тўрабекнинг ўз қўшиқлари бор ва эл-улусга доим янги қўшиқлари билан хизмат қилар экан. — Ўзингизнинг қўшиқларингиз бор экан, телевизор ёки радиого нега чиқаясиз? — Бир-иккитта янги ашула яратиб, дарров Тошкентга орпарверш яқин эмас. Ундан орқит қўшиқларим бор. Телевизорга чиқиб ҳам ўз мавриди билан бўлиб қолар...

— У ердан мутахассисларнинг талаби кетти. Бадиий кенгаш қалериридан ўтказилди, чертиб-чертиб олади. Овораю қийинчиликлардан, тўсиқлардан чўчилайсизми? — Ўзингизнинг қўшиқларини, матнларини ҳам олди-қочди эмас. Ҳеч қандай тўсиқ бўлмаса керак. Биз одатда элга танилиб қолганларни ёзамиз, санъат...

атта сизиниб юрган фидойи ёшларнинг изланишлари, тўлқинли туйғулари нақадар покиза эканлигига эътибор бермаймиз. Катта санъатга йўл қуйида — кичик дарварлару базмларда қуйлашдан бошланади. Ҳўзир айримлар, айниқса, эстрада хонандалари қўллаб ҳалқ қўшиқларини «қайта ишлаб» ижро этишмоқда. Улар бир нарсани аниглаб етганлар — қадимий оҳанглар халқимизнинг қонига, руҳига сингиб кетган. Ва осонгина, ра-

кўплаб қўшиқлар бир-икки йилдаёқ ўша оқиллаганларнинг бадиға урмоқда. Лекин «Муножот» каби ашуларлар доимий эл ардоғида. Ҳофиз санъатининг қули бўлиши, унга сизиниши лозим. — Муслиқчилик — ҳавас эмас, ҳунар. — Ҳунарманд иқтидорли бўлиши керак, — дейман унинг фикрига қўшилиб. Машойиллар дўторини «хас чўп», яъни «хасис чўп» деб атаганлар. Чунки уни чалиш қўбилжати ҳар кимга ҳам насиб

элавмас экан. Сиз ашулачи бўлишга болалиқдан меҳр қангисизиз! — Йўқ, 8-синфин битирганимда отам: «Биронта ҳунарни ўргансан, деб мени саргарошга шоғирдинка бергандилар. Ҳам мактабга, ҳам саргарошхонага қатнаб юрдим. Умуман, бу — покиза касблардан. Лекин мен ўртоқларимнинг рубобини чалиб юриб сўйиб бўлганимдан онамнинг райига қараб, қишлоғимизга келиб ишладим. Сингилларимга бош бўлдим. Уларнинг тўйу сарпоси дегандай, меннинг зиннамада эди. — Ҳозир ҳам қишлоқдаминсиз? — Йўқ, уч йилдан буён Андижонда — Аббос Бакиров номли драма театрида хонандаман. «Қурбақайда бўлса ҳам,

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ. МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 84608. Буюртма № 37. 100000 нухсада чоп этилади.